

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«22 » апрель 2019 у.

№ 343

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи
умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини
кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлиарни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Мажкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофикаштиурсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “22” апрел даги
343 -сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи
умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини
кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда мактаблар деб аталади) ўқувчилар учун ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

Пуллик таълим хизматлари зарур моддий-техника базаси ҳамда тегишли педагог ходимларга эга бўлган ёки тегишли мутахассис жалб қилинган ҳолда мактабларда ташкил қилиниши мумкин.

Бунда пуллик таълим хизматларини кўрсатиш ўқувчининг мактабларда ўкув дастури бўйича олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнига халақит бермаслиги керак.

Мактабларида ўқувчилар учун ташкил этиладиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича кўрсатилади.

2. Мактабларда ташкил этиладиган кўшимча таълим беришга қаратилган пуллик таълим хизматлари мактабларнинг ўкув дастурларида назарда тутилмаган (давлат таълим стандартларидан ташқари) машғулотлар бўйича мактаб директори ва ўқувчиларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) ўртасида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда тузиладиган шартнома асосида кўрсатилади.

3. Мактабнинг ўкув дастурларида назарда тутилмаган (давлат таълим стандартларидан ташқари) машғулотлар бўйича пуллик таълим хизматлари кўрсатишга қаратилган йўналишлар (аниқ, ижтимоий-гуманитар, табиий фанлар, тўгараклар ва спорт секциялари) қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ташкил этилади.

4. Мактабларда ташкил этиладиган пуллик таълим хизматларига директор ва педагоглар томонидан ўқувчиларни мажбурий тартибда жалб этилишига йўл қўйилмайди.

2-боб. Пуллик таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш

5. Мактабларда пуллик таълим хизматлари кўрсатиш мактабларнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш бўйича йиллик режаси (кейинги ўринларда йиллик режа деб аталади) асосида ташкил этилади.

6. Йиллик режа мактаблар томонидан ҳар календарь йили бошлангунга қадар ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шаклда ишлаб чиқилади ва келишиш учун мактабнинг Кузатув кенгашига (кейинги ўринда Кузатув кенгаши деб аталади) киритилади.

Йиллик режада таълим хизматлар тури (кўшимча таълим бериш ўйналишлари), машғулотларни ўтиш вактлари, дарс соатлари миқдори, ҳар бир соат учун тўланадиган нарх миқдори (бунда кам таъминланган оиласаларнинг фарзандларига тўловлар умумий нарх миқдорининг 50 фоизи миқдорда белгиланади), битта гурухда машғулотларда қатнашувчиларнинг сони (35 нафар ўқувчидан кўп бўлмаган миқдорда), йўналишлар бўйича ўқитувчи ёки мутахассис Ф.И.О., машғулот ўтиш жойи (синфлар) кўрсатилади.

Буюрмачиларнинг талабларига кўра, ўқувчиларга индивидуал тарзда машғулотлар ўтказилиши мумкин.

7. Кузатув кенгаши ҳар календарь йилнинг бошида ўтказиладиган биринчи йиғилишда мактаб томонидан тақдим этилган келгуси йил учун йиллик режани кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Йиллик режа Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти ёки мактабларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

8. Мактабда пуллик таълим хизмат кўрсатишга, биринчи навбатда, шу мактабда фаолият юритаётган ўқитувчилар шартнома асосида жалб этилади.

Буюртмачилар томонидан келиб тушадиган маблағлар (лекин 50 фоизидан кам бўлмаган миқдори) ўқитувчиларга ҳақ тўлашга йўналтирилиши мумкин. Бунда қонунчиликда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар мазкур суммадан чегириб олинади.

9. Таълим хизматлари нархлари Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

10. Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича тўловлар белгиланган тартибда банклар оркали мактабнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли ғазначилик бўлимларида очилган шахсий ғазначилик хисобваракларига нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Буюртмачи томонидан пул маблағларини нақд пул ёки пул ўтказиш йўли оркали тўланишидан катъий назар, мактабда амалга оширилиши қатиъян тақиқланади.

11. Пуллик таълим хизматлари кўрсатишдан тушган маблағлар харажатлар тури бўйича шартнома асосида пуллик таълим хизматлари кўрсатиш мақсадида жалб этилган ўқитувчиларга тўланадиган тўловлар, солик ва бошқа мажбурий тўловлар, машғулотларни ташкил этиш учун моддий-техник таъминот харажатлари қоплангандан сўнг мактабнинг раҳбар ва педагог ходимларини моддий рағбатлантиришга ва бошқа харажатларга Кузатув кенгаси билан келишилган ҳолда йўналтирилади.

3-боб. Пуллик таълим хизматлари кўрсатишда томонларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари

12. Пуллик таълим хизматлари кўрсатувчи мактаб:

пуллик таълим хизматлари кўрсатиш доирасида ўқув режаси ва дастурлари, мактаб ички қоидалари, тартиб ва талаблари, машғулот жараёнида ўқув интизомига риоя этишини, ўқитувчиларга ҳурматда бўлиш ҳамда мактаб мулкини ҳимоя қилишни талаб қилиш;

буюртмачидан шартномада белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлашни талаб қилиш ва ушбу талаб бажарилмаса, ўқувчини пуллик таълим хизматлари бўйича машғулотлардан четлаштириш ҳукуқига эга.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатувчи мактаб конун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Пуллик таълим хизматлари кўрсатувчи мактаб:

машғулотларни мактабдан ташқари давлат таълим стандарти, пуллик таълим хизматлари кўрсатиш доирасида ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ ташкил этишга;

машғулотлар жараёнларига малакали ўқитувчиларни жалб этиш, илғор таълим технологияларини, замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари ва воситаларини жорий этишга;

ўқувчида билим олиш салоҳиятини шакллантириш мақсадида ўқув режасига қўшимча равища турли интерактив дарслар ташкил этишга;

машғулотларда ўқувчига мактабнинг мавжуд ўқув-услубий, ахборот-ресурс ва моддий-техника базасига мувофиқ ўқиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга;

машғулотлар учун белгиланган тўлов миқдори тўғрисидаги маълумотни ўз вақтида (ўқув жараёни бошланишидан 10 кун олдин) буюртмачиларга етказиш ва уларни белгиланган тартибда кўрсатиладиган пуллик таълим хизматлари шартлари билан таништиришга мажбур.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатувчи мактаб конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

14. Буюртмачи:

кўрсатиладиган пуллик таълим хизматлари, шу жумладан ўқув режалари ва дастурлари, ўқувчиларни баҳолаш тартиби ва мезонлари билан танишиш;

тузилган шартномага мувофиқ мактабдан ўқувчининг танлаган таълим йўналиши бўйича пуллик таълим хизматлари кўрсатишни талаб қилиш, тегишли ўқитувчилардан маслаҳатлар сўраш ҳукуқига эга.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Буюртмачи:

кўрсатилаётган пуллик таълим хизматларининг бир календарь ойи учун белгиланган тўлов миқдорини шартнома талабларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида тўлап, тўлов ҳужжати нусхасини эса машғулотлар бошланишидан олдин мактаб маъмуриятига такдим этишга;

шартнома талабларига сўзсиз амал қилиш мақсадида ва шартномада кўрсатилган қўшимча таълим ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун ўқувчининг дарсларга мунтазам равишда қатнашишини таъминлашга;

ўқувчи томонидан мактабининг мулкига етказилган моддий зарарни коплашга мажбур.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар


16. Кузатув кенгаши мунтазам (бир йилда камида 2 марта) ўқувчилар ва буюртмачилар ўртасида мактаб томонидан кўрсатилаётган пуллик таълим хизматлари сифатини аниқлаш мақсадида ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ сўровнома ўtkазиб боради.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ваколатли давлат органлари мактабларда пуллик таълим хизматларининг ташкил этилиши ва тушган маблағлар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат олиб боради.

18. Ушбу Низом юзасидан келиб чикадиган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
тизимидағи умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик
таълим хизматлари кўрсатиш тартиби тўгрисида низомга
1-илова**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим
муассасаларида ташкил этиладиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш
СХЕМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим
муассасаларида пуллик таълим
хизматларини амалга ошириш тартиби
тўғрисида низомга
2-илова

**Пуллик таълим хизматларини кўрсатиш бўйича
-сон
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

20 ____ й. " ____ "

(шартнома тутилган жой)

Устав асосида иш кўрувчи мактаб директори _____ тумани/шаҳри
(нами)
(мактаб рагами/номи) -сон (директоркинг Ф.И.О.) кейинчалик “Мактаб” деб юритилувчи,
бир томонидан (ота-она ёки уларниң ўринини босувчи шахснинг Ф.И.О.) номидан ўкувчининг манфаатларини
ифода этувчи (укувчи Ф.И.О., симф) кейинчалик “Буюртмачи” деб юритилувчи,
иккинчи томонидан, мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома ўкув дастурларида назарда тутилмаган машғулотлар бўйича қўшимча
пуллик хизматлар (аниқ, ижтимоий-гуманитар, табиий фанлар), жумладан, тўгарак ҳамда спорт
секцияларини ташкил этиш муносабатларни тартибга солади.

2. МАКТАБНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Мактабнинг ҳуқуклари:

Ўкувчидан ўкув режаси ва дастурлари, мактаб ички тартиб-қондаларига риоя этишини
талаб қилиш;

Дарс жараёни вақтида ўкувчидан ўкув ва ижро интизомига қатъян риоя этишини талаф
қилиш;

Ўкувчидан ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, устоз ва мураббийларни ҳурмат қилишни,
мактаб мулки, нуфузини ҳимоя қилишни талаф қилиш;

Буюртмачидан мазкур шартномада белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлашни талаф
қилиш, акс ҳолда ўкувчини қўшимча машғулотлардан (дарслардан) четлаштириш.

2.2. Мактаб мажбуриятлари:

Давлат таълим стандарти, ўкув режаси ва дастурларига мувофиқ мактабда ўкувчини
ўқитишини ташкил этиш;

Мактабда қўшимча машғулотлар жараёнларига малакали ўқитувчиларни жалб этиш, илғор
педагогик технологияларни, замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари
ва воситаларини жорий этиш;

Ўкувчидан билим олиш салоҳиятини шакллантириш мақсадида ўкув режасига қўшимча
равишида турли интерактив дарсларни ташкил этиш;

Кўшимча машғулотларда ўкувчига мактабнинг мавжуд ўкув-услубий, ахборот-ресурс
ва моддий-техника базасига мувофиқ ўқиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

Кўшимча машғулотлар учун белгиланган тўлов миқдори тўғрисидаги маълумотни
ўз вақтида (ўкув жараёни бошланишидан 10 кун олдин) буюртмачиларга етказиш ва уларни
белгиланган тартибда кўрсатиладиган пуллик хизматлари шартлари билан таништириш;

Ушбу шартномага асосан ўкувчи пуллик хизматлар асосида қўйидагилар билан
таъминланади:

а) _____

(соатлар инкдорин кўрсатилади)

хажмда _____

(кўрсатиладиган хизматлардан келиб чиқиб тўлдирияди)

3. БУЮРТМАЧИННИГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуклари:

Мактабдан ўқувчига танлаган замонавий тараққиёт даражасига мос келувчи билим ва кўнижмаларни беришни талаб қилиш, тегишли ўқитувчилардан маслаҳатлар сўраш;

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Кўрсатилаётган жами қўшимча пуллик хизматлар бир календарь ойи учун белгиланган тўлов микдорини мазкур шартнома талабларига мувофиқ мактабга тўлиқ хажмда ва ўз вақтида тўлаш;

Мазкур шартнома талабларига сўзсиз амал қилиш мақсадида ва шартномада кўрсатилган қўшимча таълим ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун ўқувчининг дарсларга мунтазам равишда қатнашиши назоратини таъминлаш;

Ўқувчи томонидан мактаб мулкига етказилган моддий зарарни қоплаш.

4. МОЛИЯВИЙ ШАРТЛАР

4.1. Кўрсатилаётган жами қўшимча пуллик хизматлар бир календарь ойи учун сўм

(сумма ракам ва сўз билан)

маблаг микдорини ташкил этади.

4.1.1. Шу жумладан, ушбу шартномада кўрсатилган қўшимча машғулотлар учун тўланадиган маблағ қуйидаги микдорда белгиланади (хизматлар турлари бўйича):

a) _____ - _____ сўм;

(хизмат номи) (хизмат нархи)

б) _____ - _____ сўм;

(хизмат номи) (хизмат нархи)

в) _____ - _____ сўм.

(хизмат номи) (хизмат нархи)

4.2. Тўлов хар ойнинг 5 (бешинчи) санасидан кечикмаган ҳолда, буюртмачи томонидан 100 (юз) фоиз олдиндан амалга оширилади. Тўлов банклар орқали мактабнинг тегишли ғазначилик бўлимларида очилган шахсий ғазначилик хисобваракларига нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.3. Ушбу шартнома бўйича тўлов тури буюртмачи томонидан тацланади.

4.4. Кўрсатилаётган қўшимча пуллик хизматларнинг тўлов микдори энг кам иш ҳаки ўзгаришига мос равишда ўзгаради.

4.5. Ушбу шартноманинг 4.1. ва 4.2.-бандларига мувофиқ қўшимча пуллик хизматлар учун тўлов буюртмачи томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, ушбу шартнома бекор қилиниб, ўқувчи қўшимча машғулотлардан (дарслардан) четлаштирилади.

4.6. Ўқувчининг касаллиги ёки бошқа асосли сабаб ва ҳолатларда, буюртмачининг ёзма аризасига биноан ушбу шартнома бекор қилинади ва хизматларни кўрсатилмаган қисми учун олдиндан тўланган тўлов қайтарилади.

4.7. Ўқувчи машғулотларни сабабсиз колдирган ҳолатларда буюртмачига хизматлар учун олдиндан ўтказилган тўловлар қайтарилмайди.

5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Шартнома томонлар уни имзолаб, мактаб ҳисобрақамига буюртмачи томонидан қўшимча таълим ва бошқа пуллик хизматлар учун тўловлар амалга оширилгандан сўнг кучга киради ва тарафлар мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар амал килади.

6. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Куйидаги ҳолларда шартнома бекор қилинади:

тарафларнинг келишувига мувофиқ;

ўқувчи мактабда ўрнатилган тартибга мувофиқ мактаб директорининг буйругига асосан қўшимча машғулотлардан (дарслардан) четлаштирилганда;

томонлардан бири шартнома шартларини бажармагандан;

узрли сабаблар билан буюртмачининг ёзма аризасига кўра;

қонун хужожатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган низолар қонун хужоатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Агар низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, низо қонун хужоатларида белгиланган тартибда судда кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу Шартномада ёзма равишда бажарилган ва икки томонлама имзоланган барча иловалар, кўшимчалар ва ўзгартиришлар шартноманинг ажралмас қисми бўлади ва юридик кучга эга деб хисобланади.

7.3. Шартнома тент юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади. Шартноманинг бир нусхаси мактабда, иккинчи нусхаси буюртмачида сакланади.

8. Томонларининг манзили, банк реквизитлари ва бошқа маълумотлари:

“МАКТАБ”

Мактаб директори: _____
(Ф.И.О.)

(имзо)

“БУЮРТМАЧИ”*

Ота-она (ёки ташкилот раҳбари): _____
(Ф.И.О.)

(имзо)

Юристконсульт: _____
(Ф.И.О.)

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим
муассасаларида пуллик таълим
хизматларини амалга ошириш тартиби
тўғрисида низомга
З-илова

Умумий ўрта таълим мактабларида пуллик таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш бўйича НАМУНАВИЙ ЙИЛЛИК РЕЖА

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими
вазирлиги тизимидағи умумий ўрта таълим
мактабларида ўқувчилар учун ташкил
этиладиган пуллик таълим хизматларини
амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга
4-илова

**Умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим
хизматлар сифати бўйича
СЎРОВНОМА**

I. Ўқувчилар учун саволлар:

- 1) кўшимча таълим машғулотлари қизикарли ўтиладими? (ҳа/йўқ)
- 2) машғулот олиб бораётган ўқитувчи Сизни қаноатлантирадими?
(ҳа/йўқ)
- 3) кўшимча таълим олишингиз асосий фанларни ўзлаштиришингизга
қандай таъсир кўрсатмоқда? (қониқарсиз, яхши, аъло);
- 4) кўшимча таълим берадиган ўқитувчининг дарс ўтишини қандай
баҳолайсиз? (қониқарсиз, яхши, аъло);

II. Ота-оналар учун саволлар:

- 1) фарзандингизни кўшимча машғулотларга бўлган қизиқишини
қандай баҳолайсиз? (қониқарсиз/яхши);
- 2) фарзандингизни кўшимча машғулотлардан олаётган билимлари
асосий фанларни ўзлаштиришда қандай таъсир кўрсатмоқда? (қониқарсиз,
яхши, аъло);
- 3) кўшимча таълим берадиган ўқитувчининг фаолиятини қандай
баҳолайсиз? (қониқарсиз, яхши, аъло);
- 4) кўшимча пуллик таълим хизматлари учун белгиланган нарх Сизни
қаноатлантирадими? (ҳа/йўқ).